

Машаққатли меҳнат ҳосили — пахта ни йиғиб-териб олиш умумхалқ иши. Ўз элини, юртининг камолини ўйлайдиган ҳар бир фуқаро бу ишдан ўзини четга ололмайди. Айни чоғда республикамизнинг 300 мингдан ортиқ тиббиёт ходимлари пахтакорлар билан бир сафда туриб, бу йилги мавсумни тез ва соз ўтказишда, уларнинг унумли ишлаши, сиҳат-саломатлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқдалар.

Тиббиёт ҳам пахтага шай олимайди. Беш йилдан бери давом этиб келаётган дори-дармон ва вакциналар етишмаслиги, тиббий асбоб-ускуналарнинг эскириб қолганлиги каби муаммоларга пахта туфайли барҳам берилайти. Чунки пахта толасига ис-талган нарсани сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22 августдаги «1996 йил пахта йиғим-терими мавсумини ўтказишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига жавобан Соғлиқни сақлаш вазирлиги дала меҳнаткашларига мавсумда сифатли тиббиёт ёрдами кўрсатиш борасида махсус бўйруқ чиқарди. Бу бўйруққа асосан вазирлик қошида пахтакорларни тиббий санитария ҳамда дори-дармонлар билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштирувчи махсус гуруҳ ташкил қилинди. Айнан шундай гуруҳлар барча вилоят, шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам ишлаб турибди. Марказий касалхоналарда пахтакорлар учун алоҳида ўринлар ажратилган.

Ҳар бир ҳўжаликда 3 нафар шифокордан (терапевт, жарроҳ ва юқумли касалликлар шифокори) иборат мас-лаҳат гуруҳи, ҳар бир туман миқёсида эса 8 мутахассис-

дан иборат махсус гуруҳ пахтакорларга тиббий ёрдам уюштираётир. Улар етарли транспорт воситалари ҳамда дори-дармонлар билан таъминланган. Дала шийпонларида пахтакорларга бирин-

Меҳнаткашлар орасида юқумли касалликларнинг олдини олиш учун санитария маорифи ишлари олиб боришмоқда. Теримчилар ариқ сувидан ичмасликлари учун водопровод, ер ости сув манбалари бўлмаган жойларда сувни автоцистерналарда ташиб бериш, дала шийпонларида сув сақланадиган қудуқларни тоза тутиш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сақлаш шароитларини яратиш, иситиш воситаларини гайерлаш, санитария-гигиена хоналарини қуриш, ишларни амалга ошириш лозим. Буларни СЭС ходимлари доимо назорат қилиб туриши бди. Камчиликлар бўлган ҳолларда жойлардаги ҳокимликларга тегишли таклифлар билдирилмоқда.

Дала шийпонларининг санитария ҳолатини яхши сақлаш, пашша, суварак ва кемирувчилар келтириб чиқарилган касалликларнинг олдини олиш мақсадида дезинфекция, дератизация қилинаётир. Ўтказилиши лозим бўлган тиббий санитария ташкилотлар учун мутасадди ташкилотлар жавобгар.

Сирдарё ва Жиззах дала-ларида Андижон, Наманган, Тошкентдан борган 20 мингдан ортиқ ҳашарчи меҳнат қилаётти. «Оқ олтин» ва Пахтакор туманларида жойлашган шифокорлар гуруҳи уларга кеча-ю, кундуз хизмат кўрсатаётти.

Хуллас, ҳар бир теримчининг ва ҳашарчининг соғлиги доимий назорат остида. Бу меҳнат унумдорлиги янада ошади, хирмонга янада кўпроқ ҳосил тўкилади демекдир.

Б. НИЁЗМАТОВ,
республика соғлиқни сақлаш вазири муовини.

ҲАР ГЕКТАРИДАН 200 ЦЕНТНЕР ҲОСИЛ ОЛИНМОҚДА



Булунгур туманининг Ҳ. Олимжон номли жамоа ҳўжалиги деҳқонлари бу йил 65 гектар майдонга Голландия картошкасини экишганди. Натижада мавжуд майдонларнинг ҳар гектаридан 200 центнердан ҳосил олинмоқда.



Ҳўжалик бош ҳосилоти Карим Муродовнинг таъкидлашича, шу бугунгача далалардан 300 тоннага яқин картошка йиғиштириб олинди. Режага кўра, ҳўжалик деҳқонлари бу йил давлатга 525 тон-

на картошка топшириш ниятидалар. Шунингдек, соҳибкорлар келгуси йил учун ҳам яна 300 тонна сара уруғ ғамлаб қўйиш ниятидалар. Бунинг учун ҳозирданок махсус оморлар тайёрланиб, сў-

рилар тахт қилиб қўйилган.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан) бош ҳўсалот Карим Муродов, бош ҳисобчи Убайдулло Мелибоев ва муҳандис Амриддин Умаровлар картошка ҳосилдорлигини кўздан кечиришмоқда.

2. (чапдан) жамоа аъзоларидан Б. Иброҳимов, Кежа Эргашев ва Ҳулом Фармоновлар.

Нурмамат АЛИМУРОДОВ олган суратлар.

УМУМ ИШГА САФАРБАРМИЗ

чи тиббий ёрдам кўрсатилапти. Алоҳида дори-дармон қутичалари (аптечкалар) бор.

Бир нарсани айтиш ўтиш керакки, соғлиқ фақат тиббий хизматга эмас, балки ҳар бир кишининг меҳнатига, турмушига, дам олишига, уларни тўғри ташкил этишига, маълум гигиена талабларини бажаришига онгли муносабатда бўлишига ҳам боғлиқ.

Йиғим-терим мавсумида оммавий далага чиқишлар, сифатли ичимлик сувининг етишмаслиги, овқатланиш, озодалик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида турли юқумли касалликлар тарқалиши мумкин. Вазирликда бундай касалликларнинг олдини олиш мақсадида махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва республика ҳудудидаги барча тиббий бўлинмаларга етказилди. Жойларда ушбу тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун республика селектор йиғилиши ўтказилди.

БАНДЛИК ХИЗМАТИ

Ўзингизга мос иш топмоқчимисиз, меҳнат ярмаркасиغا марҳамат қилинг!

Сўнги йилларда республикамизда бандлик хизмати бўлимлари томонидан меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш тобора одат тусига кириб бораётти. Куни кеча Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов туманида шундай ярмаркалардан бири бўлиб ўтди.

Унда мазкур тумандаги кўпгина ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари ўзларида мавжуд бўлган бўш ўринлар бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бордилар. Ярмарка эрталабданок чинакам байрамона тус олди. Турли ёшдаги одамлар ўртасида, айниқса, махсус ҳўжирланган жойларга қўйилган бўш ўринлар тўғрисидаги маълумотлар тўплами кўлма-қўл бўлиб кетди.

Биз «хўққушнос маслаҳати» столига яқинлашдик. Бу ерда навбат кутувчилар кўпчилигини ташкил этарди.

— Кечирасизлар, ҳозиргача қанча одам келиб, сизлардан маслаҳат сўраб кетди?
— Шахсан менинг ўзимга

бир ярим соат мобайнида 48 киши келиб учрашди, — деди туман бандлик хизмати-нинг ҳўққуқ масалалари бўйича инспектори Дилфуза Рузиева.

— Уларнинг саволи, асосан, нималардан иборат?

— Деярли ҳаммасининг сўроғи битта: «Янги ишга кирганимдан сўнг менга қандай имтиёзлар берилди?» Шу боис биз Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун ва амалдаги низомларга асосан тегишли маслаҳатларимизни бераймиз. Албатта, улар бундан катта қониқиш ҳосил қилиб, мамнуният билан кетишмоқда.

— Демак, уларнинг аксарияти ёшлар экан-да?

— Йўқ, — деб сўхбатга қўшилди С. Раҳимов тумани меҳнат биржаси директори Ақида Каримова. — Бизга мурожаат қилиб келувчилар орасида турли ёшдаги киши-ларни учратиш мумкин. Ҳатто баъзиларининг яхшигина касб-кори ҳам бор. Лекин улар тайинли иш топа олмай, анча қўйналиб қолиш-ган. Биз уларнинг ҳўнарларига, меҳнатига лаёқатига қараб, ташкилотлардан тушган бўш ўринларни тавсия эт-моқдамиз. Ёшларга эса бир-жамиз қошидаги касбга йўналтирувчи мавсумий ўқув курсларига йўланма бермоқ-дамиз. Улар ўқиш жараёни-

да стипендия билан ҳам таъминланади.

— Хунарли бўлиб чиққан бу ёшларнинг иш билан таъминланиши кафолатланганми?

— Бўлмасам-чи! Биржа билан тумандаги кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида шартнома мав-жуд. Биз шу ҳўжат асосида бу корхоналарга ёшларни бир-бир касб эгаси қилиб тайёр-лаб берамиз.

— Тошкентда ўтган 9 ой мобайнида шундай ярмарка-ларнинг 7 таси ўтказилди, — деди шаҳар Меҳнат, Аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳўмолаш бош бошқармаси бошлиғи Собир Саидкаримов. — Уларда 25.911 нафар фуқаро қатнаш-ди. Ярмаркаларда 13003 ки-ши юридик маслаҳат олган бўлса, 2636 кишига ишга йўланма берилди, 253 на-фар йиғит-қиз эса касбга йў-налтирувчи мавсумий курс-ларга қабул қилинди. Бу да-лийнинг ўзи амалга ошираёт-ган тадбирларимиз яхши са-мара бераётганлигидан дало-латдир.

Ўқтам ДУСТЕР,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Муштарий ёзади

МАКТАБДА ФЕРМА

Ўзбекистон туманидаги Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли 14-урта мактаб жамоасига фарғона-лик ишбилармон Фарғона-хон Абдуллохон ўғли бир бош соғин сигир ва бир неч-та қўй ҳўли этганига ҳўли кўп вақт бўлгани йўқ. Ўтган да-вр мобайнида сигир уч бош-га, қўйлар эса 8 тага етди. Эндилликда жамоа кўртак отаётган мактаб мулкни янада кенгайтиришга ас-тойдил бел боғлаган.

Шу мақсадда мактабнинг бўлажак фермаси учун рос-мана молхона ва қўйхона қу-рилди. Ўқув йили давомида мактаб жамоаси аъзолари ҳў куни эрталаб сўт маҳсулот-лари билан таъминланмоқ-да. Таътил кўнларида эса сўт эвазига кўнига 100 сўмдан қўшимча даромад қилина-пти. Ажабмаски, мактаб фер-маси яқин орада бутун жа-моани сўт, қатиқ ва қаймоқ билан таъминлай бошласа.

Ж. ҲАҚҚУЛОВА.



"ЎТ-БАНК" - Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси

Бутун ўзбек халқини қутлуғ сана - буюк
СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР
таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати
билан самимий муборакбод этади. Уларга соғлиқ-
саломатлик, бахт-саодат ва яратувчанлик
фаолиятларида улкан муваффақиятлар тилайди!

Мустақил тараққиёт йўлидан порлоқ истиқбол сари дадил
одимлаётган жонажон Ўзбекистоннинг келажакда янада гуллаб-
яшнашида Амир Темур руҳи мададкор бўлғай, иншооллоҳ!

Банк манзили: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.

Телефонлар: (3712) 77-45-19, 77-59-67.

Факс: (3712) 77-34-08. Телекс: 116623 UTB RU.



